O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ ўз тарихий интилиши, яратиш қудратини камолга етказувчи, маданияти, тили, характери, мақсадини амалга оширувчи, ВАТАНининг сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳити учун жонкуяр ШАХСни ўзига ЙЎЛБОШЧИ этиб сайлайди.

2

Ассалом УМИД – СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ!

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 ЙИЛ 4 ЯНВАР, СЕШАНБА	№ ~~53~~ 1 (153)	Сотувда эркин нархда

КЎНГИЛ ПАРЧАСИ

Дийдор

Азиз муштарий! Сиз билан биз ўтган ва ўтаётган ҳар бир кунига юз шукрона қилиб ўрганган халқ вакилларимиз. Бобо ва момоларимиз дуога қўл очаркан, «Илоё, орқамда қолинглар», деб ният қиладилар. Улар кўнглининг бир парчаси каби азиз кишиларига нисбатан айтади бу гапни. Орқамизда қолаётган йил ҳам озми-кўпми баъзан чарақлаган қуёшли кунни, баъзида хомушроқ туйғуларни ҳадя этиб, абадият буржига қараб кетди.

Бугун XXI аср бўсағасида, қутлуғ бир йилни қарши олган эканмиз, кўнгилда яна ўтган кунларимизни бир сарҳисоб қилиш истаги ғолиб келди. Хўш, мамлакатимиз ҳаётида ёркин саҳифа очган, ўзининг оламшумул зафарлари ила халқимиз номини оламга ёйган ўтган йил қайси жиҳатлари билан бизнинг меҳримизни қозонди? Аввало, бу меҳр етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ватандошларимизнинг шукронага чоғланган тилларидан бол каби тўкилаётган Тинчлик, Осойишталик деган сўзларда мужассам эмасми? Эзгулик бор жойда ёвузликка ўрин йўқ. Бизнинг тараққиётимизга ғайирлик кўзи билан қараётган ғанимлар хуружи ўз вақтида бартараф этилгани муқаддас ҳудудларимиз кўз қорачиғидек бедор қўриқланаётганидан, ҳар қандай ғаламисларга етарлича жавоб бера олиш қудратига эга эканимиздан далолатдир.

Буюк келажаги сари дадил одимлаётган мамлакатимиз фуқароларининг меҳнатда эришаётган ютуқлари, ҳайратомуз кашфиётлари, оиладаги қувончли ташвишлари, борингки, қалбларида туғён ураётган орзу-умидлари газета, журналимизнинг ўтган йилги нашрларида баҳоли қудрат ўз ифодасини топди. Бу ҳамкорлик бизнинг ижодий жамоамиз сингари азиз ўқувчиларимиз учун ҳам мароқли бўлганлигидан умидвормиз.

Аҳоли орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш вазифаси мамлакатимизда кенг қулоч ёйди. Маълумки, демократиянинг энг долзарб шартларидан бири ҳам халқнинг ҳуқуқий саводини оширишдан иборатдир. Мазкур ҳаётий вазифани сифатли адо этиш жараёнида бизнинг ҳам камтарона улушимиз борлигидан беҳад фахрланамиз. Ўтган йил мобайнида таҳририятимизга ҳуқуқий ёрдам сўраб, дардларига малҳам истаб келган, хат йўллаган инсонларнинг арз ва шикоятлари бевосита текширилди ёки тегишли идораларга жўнатилди. Минг бир истиҳола билан бизга мурожаат қилган кишилар учун муаммонинг ечими, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ижобий натижа муҳим. Шуларни эътиборга олиб, имкон қадар газета ва журналларимиз саҳифаларида таҳририятимизга келган айрим шикоят хат ва тегишли идоралар жавобларини чоп этдик.

Айни пайтда бизнинг мазкур ҳуқуқий нашрларимизга юртдошларимизнинг қизиқиши кескин ошганлигини мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Янги йилда муштарийларимиз сони аввалги йилларга нисбатан анча ошди. Бу эса ўз навбатида ижодий жамоамиз зиммасига янада катта масъулиятлар юклаши табиий. Нашрларимиз саҳифаларида турли мавзулардаги долзарб мақолаларни кўпайтириб, янги рукнлар остида ранг-баранг хабар ва лавҳаларга кенг ўрин ажратишни режалаштирганмиз.

Доно халқимизда «Минг эшитгандан бир кўрган яхши» деган мақол бор. Келинг, шу мақолга амал қилиб, сўзимизни мухтасар этсак. Ёруғ, умидли кунлар ҳали олдинда. Сирли, эсда қоларли, дилдан учрашувлар бизга мунтазир, азиз муштарийлар!

Янги йилингиз муборак бўлсин!

ТАҲРИРИЯТ

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат якдмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва якасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Ислом КАРИМОВ

СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЖАМИЯТ БАХТИ

Биз истиқлолга эришган, буюк давлатчилик сари музаффар одимлаётган мамлакат фуқароларимиз. Шундоқ адлликка рўбарў бораётган юртимиз фуқаролари келажакда ўзларини қандоқ сарафроз этмоқлари мумкин? Бу мавзу кўпчиликни ўйлантиради, чуқур ва ғоят жиддий тадбирлар кўришга чорлайди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли-туман жамғармалар, халқаро ташкилотлар, маҳаллий хайрия идоралари кўплаб ижобий натижаларга эришаётганликлари хусусида матбуотда ёзилаяпти.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан экологик аҳвол қийин ҳудудларда инсонлар саломатлигини муҳофаза этиш бўйича кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда ва табиийки, бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир қанча халқаро ҳамда миллий

жамғармалар ташкил этилгани ва уларнинг яхши фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

1997 йил халқ манфаатлари йили, 1998 йил Оила йили, 1999 йил эса Аёллар йили деб эълон қилиниб, ана шу борада қатор ибратли тадбирлар амалга оширилдики, буни ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида яққол ҳис этди. Юртбошимизнинг таклифи билан бугун бошланган 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинди.

Бу ҳол шуни кўрсатадики, 2000 йилида ҳам соғлом авлодни шакллантириш, вояга етказиш борасида муҳим қадамлар қўйилади. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталгани, «Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси» тузилганини бунинг тасдиғидир.

Фақат бизнинг мамлакатимиздагина йилнинг ўзига хос вазифаси аниқ-равшан белгилаб берилмоқда. Фақат эълон қилиш билан чекланилмай, белгиланган соҳа бўйича катта амалий ишлар қилинмоқда.

- Албатта, бу эзгу мақсадларимизни амалга ошириш ниятида биз янги йилда бу борада махсус ҳукумат дастурини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз, - деди юртбошимиз. - Бу дастурда ёшларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва касб-

ҳунар эгаллаши учун тегишли шароит яратиб бериш зарарли, ёт таъсирлардан муҳофаза қилиш, бузғунчи ғоялардан асраш, онгу шуурини, илму маърифат нури билан мунаввар этиш каби кўп-кўп масалаларга асосий эътибор қаратилади.

Энг муҳими, шу умуммиллий дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва сармоялар жалб қилинади, йил давомида унинг бажарилиши назоратга олинади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти мамлакатимизнинг энг иқтисодий бақувват ва сераҳоли ҳудудларидан бири саналади. Ана шуни ҳисобга олиб, жамғарманинг вилоят бўлими ўз фаолиятини намунали йўналишда ташкил этишнинг барча имкониятларини ишга солмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан фуқароларнинг изланувчан ва ишбилармонлигига, фаоллиги ва интилувчанлигига боғлиқ. Соғ-омон инсонгина теран фикрлай олади, йўқни бор қилиб, борини кўпайтиради. Ана шундай кишиларга ҳамиша эҳтиёж катта бўлган. Етук инсонларни эса оналар дунёга келтиради, тарбиялаб, камолга етказади. Соғлом насл қолдириш учун аввало онани парваришлаш, асраб-авайлаш зарур. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Тошкент вилоят бўлими энг аввало оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш йўлида режали тадбирларни ўтказмоқда.

Сир эмаски, шаҳар ва туманларимизда носоғлом ғўдакларнинг туғилиши ҳоллари учраб туради. Кўпчилик ҳомиладор аёллар камқонлик, юрак, буйрак, жигар касалликларига чалиниши сабабли туғиш чоғида ҳаётлари хавф остида қолмоқда. Шифокорларимизнинг фидойиликлари туфайли уларнинг ҳаётлари сақлаб қолинмоқда.

Бўлимимиз қарамоғида 22 та туман ва шаҳар бўлинмалари, бир қанча корхона ҳамда фирмалар бор. Таянч 13 та махсус интернатга, 9 та туғруқхонага, 2 та сил касаллиги шифохоналарига кўрпа-ёстиқ жилдлари, санитария воситалари билан ёрдам кўрсатилди. «Амбуланс» шифокорлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида тарғибот-ташқиот ишлари ҳам олиб боришмоқда. Оилани режалаштириш, оила ва никоҳ, ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш, ўсмир қизлар гигиенаси, она сутининг моҳияти ва бошқа кўплаб долзарб мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Бўлимимиз томонидан чоп эттирилган «Хотин-қизларимизга эсдалик» номли брошюра кўп минг нусхада тарқатилди.

Юқорида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилаётган ишларимизнинг бир қисми, холос. Аслида фаолиятимиз мезони ғоят кенг.

Вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида жойлашган дам олиш ва даволаниш масканларида оилавий даволаниш, ҳордиқ чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бу борада вилоят ва туман ҳокимликлари бизга яқиндан кўмак бермоқдалар.

Албатта, ҳали олдимизда турган вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп. Ўйлаймизки, «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган - 2000 йилда тўғри ечим, адолатли қарор, саховатли куч жам бўлган жойда булар-нинг барчаси ўз натижасини топажак. Мақсадимиз, «Соғлом авлод учун» дастурини муваффақиятли амалга ошира бориб, эҳтиёжли хонадонларга имкони борича моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, болалар уйлари, ногиронлар ва бошқа муҳтож жойлар ҳолатини яхшилаш каби энг савобли юмушлар тантанаси учун курашиш.

Жаҳон РОҲАТОВА,
«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошлиғи

* * *

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Пискентда «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси туман бўлими учун янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Суратларда: бинонинг очилиш маросимидан лавҳалар.

"Сайилгоҳ"нинг янги рукни: Ҳам санъатда, ҳам... салатда.

ёки "Лаззат" ошхонаси повурларининг Янги йил саргузаштлари

Азиз муштарий! Янги йилдан бошлаб «Сайилгоҳ»имиз меҳмонларини Сизга «аввалгиларга ўхшамас» тарзда таништириб боришга қарор қилдик. Ниятимиз энди уларнинг ҳам санъатда, ҳам... салатда қандай истеъдод соҳиби эканликлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб бориш. Худди «Лаззат» ошхонасидаги каби. Биринчи мехмонимиз шу ошхона бош повури Абдураим Абдувахобов.

4-бет

"Инсон ва қонун" газетасига обуна индекси: якка шахслар учун-137, ташкилотлар учун-138

"Ҳаёт ва қонун" журналига обуна индекси: якка шахслар учун-902, ташкилотлар учун-903

ОБУНА ЙИЛ БЎЙИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳар тўғрида

ДОЛЛАР КЕРАКМИ?

«Кўрмаганнинг кўргани...» деган гап бор. Мулкий муносабатларимизга «доллар», «кўки», «карам» деган сўзлар аралашиб қолди-ю, теварак-атрофга «разм» солмасдан «долларвозлик»га одатланганлар кўпайиб қолди. Бу «ишқибозлик» ортидан ўз меҳнатимиз маҳсули, қадри, ўз миллий пулимизнинг обрўсига путур етказишимиз мумкинлигини ўйламаганлар кўпайди. Худди афанди дарахтнинг ўзи ўтирган шохини арралаб... оқибатда... талабга кўра «кўк»нинг нархи ошаберди, шунга қараб бозордаги нарх ҳам.

Бу борада россияликлар «кўрмаганнинг кўргани курсин»ни бошлаб беришган эди. Яъни 1992 йилда ўртача даромадининг 0,5 фоизига доллар сотиб олувчи россиялик, 1993 йилда 8 фоизига, 1994 йилда 17,7 фоизига, 1996 йилда қарийб 19 фоизига, 1997 йилда 21,6 фоизига «карам» ғамлашган экан. 1999 йилда бу кўрсаткич пасайиб 8 фоизга тушибди. Бу уларнинг ўз рублига меҳри ошиб бораётганидан далолатдек кўринади.

Бизнинг Ўзбекистонда бу кўрсаткич нақадарлигини билмаймизу, аммо «долларвозлик»нинг «отини ўчир»сак, шояд миллий пулимиз қадрини бирмунча «эъзозлаган» бўлармидик? А, лаббай!

Умуман ушбу масалада турли доира одамлар фикрини кутамиз.

Мулла САЙИЛГОҲИЙ

С НОВЫМ ГОДОМ! 2000 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН! HAPPY NEW YEAR!

Соғинч

ВАТАННИНГ БИР БЎЛАГИ

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Қишнинг қирчиллама кунларидан бирида Қорадарага борадиган бўлдик. Таклиф Шукур Холмирзаевдан чиққанди. Ҳаммаёқни қор босган. Аммо қуёш нурлари тиниқ эди. Жўралар билан дарага етиб келдик. Тизза бўйи қор. Дара ўртасидан суви шўр, тиниқ сой оқиб ётибди. Дарадаги қоялар, жинғил, бодомчалар ҳам қор тагида. Ҳамроҳлар тош қатлари ва камарлардан ўтин излаб кетишди. Кичкина камар тагида Шукур ака иккимиз ўчоқ ясашга киришдик. Кичкина қозонни тош ўчоққа ўрнатдик. Шунда Шукур ака:

- Собир, юринг қоя орқасидаги Бузуқ бетни овлаймиз. Тулкими, қуён учраб қолса ажаб эмас. Ҳеч бўлмаганда оёқлар ёзилади-ку, - деб қолди.

Шукур ака овга унчалик ҳавас қўймаган бўлса-да, милтиқ кўтариб юришни хуш кўрарди. Бу адибга қандайдир ғайрат, дадиллик бағишларди. Унинг таклифи билан Бузуқ тепага йўл олдик. Бу тоғ чағат бўлиб, оламжаҳон тоғу тош худди портлатилгандай кўчиб, уюлиб ётарди. Бундай жойда юриш анчайин қийин, ҳар-ҳар ерда қор тагидан аранг кўриниб турган бодом, жинғил, бўритиконнинг битта-ярим барглари илиниб турган шохлари тўппайиб турарди. Бу ер анчайин хилват гўша бўлиб, баланд тоғлардан қишловга қайтган какликлар тез-тез учраб турар, айниқса, тулкининг макони шу ерда бўларди.

Тизза бўйи қорда орқама-олдин кетаяпмиз. Ҳар-ҳар ердан ёввойи дарахтларнинг қорайиб турган шох-шаббалари кўриниб туради. Теп-текис қорни босиб бораётгандим, олдимдан қуённинг ҳозиргина босиб ўтган излари кўринди. Демак, шу атрофда ёввойи қуён бўлиши керак. Хаёллар гирдобида бораётганимда ортимдан «воҳ» деган овоз келди. Бурилиб қарадим. Теп-текис қорли тепаликда Шукур ака кўринмасди. Тўхтаб атрофга алангладим, шу пайт анча пастликдан, тошлар орасидан: «Ёрдам беринг, арнага тушиб кетдим!» деган таниш овоз эшитилди. Югуриб борсам, кат тагида Шукур ака: «Теп-текис эди, оёқ қўйганимни биламан, чуқурликка тушиб кетдим» дея мен узатган милтиқ нилидан ушлаганча юқорига тирмашди.

Ортга қайтдик. Жўралар аллақачон қозончага бозордан олинган гўштни солиб, олов ёқишган. Улфатчилик бошланиб кетган эди. Ҳаммаёқни қор босган, изғирин совуқда камар тагида улфатчилик қилиб ўтирганларни кўриб ўзларича: «Манавилар жинни бўлган шекилли, шундай қаҳратон қишда ҳам сайрга чиқадими?» деб ҳайратомуз қараб ўтиб кетишарди.

- Бизларни тентак деб ўйлашса керак, - гап қотди «табиат шайдоси» Исмат Норбоев, - аммо дунёнинг гўзаллигини улар қаердан ҳам билишсин. Буни - Ватан дейдилар!

Шу-шу ҳар гал адиб билан учрашганимизда у: «Эсингиздами, Қорадарага борганимизда қор босган арнага тушиб кетгандим», деб эслаб қолади.

Бугун ҳам тоғларни соғиниб, Зовбоши томон йўл олдим. Шукур ака ном қўйган Зовбошидаги бир карвон туя сиғадиган Қоракамарда ўтирибман. Камар жуда каттакон, тоба-тошдан иборат бўлиб, худди баҳайбат бургут улкан қанотини ёйгандек, осилиб турибди. Камар овчилар ёққан гулханлардан қорайиб кетган. Тош орасидан чиққан кашнич баргларига ўхшаш кўм-кўк ўсимлик осилиб турибди.

Камарга олиб борадиган шоти йўлнинг икки тарафида бўритикон гулга кирган. Унинг қизғиш гуллари баҳорни эслатади. Камар устига чиқдим. Тошлар орасидаги арчалар танасига болта урилган. Қирқилган арчаларнинг кундалари кўзга чалинади. Уларга қараб юрагим эзилади. Табиатга нисбатан бу адолатсизликдан беихтиёр йиғлагим келади. Ватан деб ҳайқирамизу аммо шу бир дона арча ҳам биз учун Ватаннинг бир бўлаги эканлигини нега унутиб қўямиз? Ўзимизга, фарзандларимизга тоза ҳавони етказиб берувчи бу гўзалликка болта уришдан қачон тийиламиз?! Беозор паррандаларга, ҳайвонларга қилт этмай ўқ отамиз... Она табиатимиз қадр-қиммати нақадар баланд эканлигини ақлимизга сиғдира олиш шунчалик мушкулми?!

Шу йил баҳорда Тошкентдаги машҳур Семашко номидаги шифохонада даволандим. Ўшанда дўхтирлар кислород ваннаси қабул қилишни тавсия этишди. Ойнали пластмасса қути ичига ётқизиб, устимдан қопқоғини ёпишади. Ичига кислород юборишар экан. Эвоҳ, шифокорлар тавсия этган бу тоза ҳаво арчазордаги ҳаводан ўн баравар, балки юз баравар паст эди. Шунда билдим, ўрмонзор нафақат парранда-ю даррандаларнинг бошпанаси, у инсонга берилган умр, тоза ҳаво, ниҳоят, Ҳаёт экан!

Яқинда Тошкентга бордим. Дўрмон томон йўлим тушди. Шунда жўраларнинг бири Шукур аканинг дала ҳовлисини кўрсатаман, деб қолди. Мен бу ҳақда адибнинг ўзидан кўп эшитгандим. Минг эшитгандан бир кўрган яхши, деб рози бўлдим. Бордик. Атрофи сим тўр билан ўралган. Лекин сим кўринмасди. Турли хил ёввойи гулпечаклар, ўт-ўланлар симга ёпишиб, тирик тўсиқ ҳосил қилган. Шу пайт ёнимизга енгил машина келиб тўхтади. Не кўз билан кўрайки, Шукур ака! Бошида ҳар доимгидек малларанг шляпа, қўлида енгилгина тўр халта. Самимий кулганича, қувончини яширмай, кўриша кетди:

- Қани Собиржон, бизнинг ватанга марҳамат! Мен ҳозир, - дея чўнтагидан калитни олиб, печаклар орасидан ичкарига қўлини тиқиб, дарича қулфини очди.

Ёпирай, сим тўрга чирмашган печак деворда, гўзаллигини бузмаган ҳолда дарича очилди. Э, дидингга балли! Печакдан дарича ясабсан, гап йўқ, дедим ичимда.

Шукур ака ўзи экиб парвариш қилган ўрмонзорга бошлади. Сайримиз давомида ҳар бир дарахт, ўт-ўланга таъриф бериб борди. «Э, ана қаранг, охирги қорда хурмони совуқ урди. Ана, Бойсуннинг гилосидан ҳам экканман. Олди пишди. Мана бу ўзимиз томонларда, ариқ бўйида ўсадиган баргли атиргул...». Саёҳатимиз боғ тўрида давом этди. Кичкина ариқдан шилдираб сув оқаяпти. Ариқ устига омонатгина қўйилган синиқ тахта кўприкдан ўтдик. У ерда эскигина ёғоч чорпоя турибди. Устига ранги ўчган қизил гилам тўшалган. Чорпоя ёнида каталакдек қамиш билан ўралган кулба. «Робинзон Крузо» чайласида синиқ диван ва ёзув столи. Аканинг ижодхонаси шу экан.

Чорпояда ўтирдик. Адабиёт ҳақидаги гурунгимиз қизиди. Машҳур «Одиссея»нинг «Алпомиш»га ўхшаган жойлари кўплиги ҳақида гап бораётганида ҳамроҳларимнинг бири:

- Шукур ака, худди Бойсунда ўтиргандаймиз. Чорбоғингиз Авлод томонлардаги боғларга ўхшаб кетаркан. Минг раҳмат сизга, шундай жойда Бойсуннинг бир бўлагини яратибсиз, - деди.

- Собиржон, чиндан ўхшайдими-а? Ростми? - ҳаяжонини босолмасди адиб.

- Ўхшайди, гилоснинг таъми ҳам ўзимиз томонларга келишаркан, - дедим.

Бу шунчаки ҳурматли ва азиз адибнинг юз-хотири эмасди. У бу боғни болалиги ўтган ва ҳамиша юртини соғиниб яшаган Шукур Холмирзаевнинг юрагининг қат-қатларидан жойлаб олган қадрдон юртига бўлган соғинчдан яралган бир бўлак Ватан эди...

Собир ЁДИКОВ,
Бойсун

Фарғона вилояти Тошлоқ туманида 27 мингдан ортиқ оила бор. Бу ерда ўтган йили 2800 нафар фарзанд туғилди. 894 та ёшлар никоҳи қайд этилди. Никоҳ шартномаларини амалга ошириб, оналар ва болалар манфаатини кўзлаб, ибратли тадбирларнинг амалга оширилишида ФҲДЁ бўлими мудираси Назокатхон Ҳамроқулованинг ҳам ҳиссаси кўп.

Суратда: Н.Ҳамроқулова фуқаро Э.Турсунбоевага керакли маслаҳатлар бермоқда.

Ғанижон МУҲАММАДҚОДИРИЙ олган сурат

Оқибат

ХАТОНИ ТУЗАТИШ...ҚИЙИН!

Бўлимимизга ёшулли бир киши кириб келди. (Баъзи сабаблар билан у кишининг исми ва насабини айтишни лозим топмадик). Айтишича, у айни пайтда туманда кўзга кўринган бир ташкилотда яхшигина лавозимда ишлайди, оилалик, бир неча болалари бор. Лекин бошқа бир аёл билан никоҳсиз яшаб, эр-хотинлик муносабатида бўлган, ўртада болалар туғилган. У никоҳсиз туғилган болалар онанинг фамилиясида қолиб кетганлигини, ўзи эса фарзандларнинг ҳақиқий отаси эканлигини тан олди. Кейин мақсадга ўтиб, болаларга ўзининг фамилиясини беражагини билдирди.

Биз у кишидан шу вақтгача нима учун болаларнинг отаси эканлигини ФҲДЁ идораларида рўйхатга олдирмай келганлиги сабаблари билан қизиқдик. У бир вақтлар коммунист бўлганлигини, сал нарса учун номи қора бўлиши муқаррарлигини билиб шундай қилганлигини маъюс оҳангда маълум қилди. Бундай ҳолда ўйлаб қоласан экан. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Мураккаб тақдирлар, никоҳсиз туғилган болалар, сўнгги пушаймонлар...

Биз эса ўз навбатида юқоридаги ҳолдан ҳам хурсанд бўлдик, ҳам хафа. Хурсанд бўлганимиз боиси кўплаб номард «ота»лардан фарқли ўлароқ, у киши ўзида бир ички жасорат топиб, болаларнинг келажагини ўйлагани бўлди. Хафа бўлганимиз сабаби шуки, бу болаларнинг кўнгли барибир «ярим» бўлиб қолаверади. Чунки бошқа оиласи бор ота барибир уларга тўлиқ даражада меҳр беролмайди.

Келинглар, яхшилар! Ножўя қадам босиб, хато қилишдан олдин унинг оқибатларини бир ўйлаб кўрайлик.

Ахир, биргина оталикни белгилаш билан киши ўз вазифасини тўла адо этолмайди. Болалар ҳамиша ота меҳрига ташна, улар тарбиясига муҳтож бўлишади. Шу даврда берилмаган тарбия, кўрсатилмаган мурувват бола улғайгач, кўнгилдагидай натижа бермайди. Буни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармайлик.

Т.ҚОРЁҒДИЕВ,
Олот туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

Мулоҳаза

ОИЛА ШАЪНИ МУҚАДДАС

ёки «суви тинмаган оила»лар болалари хусусида

Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бу иборани кўп эшитганмиз, ўзимиз ҳам неча бор такрорлаганмиз. Агар озгина мулоҳаза қилсак, аввалда беғубор бўлиб туғилган инсон фарзанди қай йўллар билан жиноят ботқоғи томон одимлаганини, янаям лўндароқ айтсак, унинг жиноятга бошлаган омилларни кўришимиз мумкин. Хўш, булар кўпроқ нималарда намоён бўлади?

Аёнки, инсон ҳеч қачон жамиятдан, ички ва ташқи муҳитдан айро яшолмайди. Ички муҳит деб оилани, нари борса, маҳалла-кўйни англасак, ташқи муҳитга мактаб, ишхона, кенгроқ маънода ҳаёт тақозоси билан боришимиз, мулоқотга киришишимиз мумкин бўлган жой ва шахслар киради. Демак, бола улғайиб, вояга етишида, унинг дунёқараши, тафаккури шаклланишида оила бирламчи ўрин тутади.

Шарқда, хусусан, биз ўзбекларда оила азал-азалдан муқаддас саналиб келган. Оилада катта ва кичикнинг алоҳида ўрни бор. Фарзандлар оқил, доно бўлсалар, ота-она олдидаги қарзларини адо этмакдан ҳеч вақт тўхтамаганлар. Чунки фарзанд ота-онага қанча меҳр кўрсатса, эрта ўз болаларидан шунча меҳр-мурувват кўради, деган ҳаётий тушунча ҳамиша устувор бўлган. Шу боис ҳам одам мевага, ота-она дарахтга менгзалган. Дарахт қанчалик яхши парвариш қилинса, унинг меваси шунчалик яхшироқ ва ширинроқ бўлиши табиий. Бироқ...

Минг таассуфлар бўлсинки, кейинги юз йиллик тарихимиз истибдод туфайли халқимиз ана шу ҳаётбахш адаб чашмаларидан бенасиб этилиб, бебаҳо қадриятларимиз оёқости қилинганидан далолат беради. Бугунги ўсмирлар, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг ҳам туб илдизларини айни шу дину диёнатсиз тузум, мафкуранинг оғир асоратлари деб қарамоқ лозим. Шукрки, истиқлолимиз қўлга киритилган илк кунлардан мамлакатимизда маънавият ва маърифат масалаларига энг долзарб вазифа сифатида эътибор берилмоқда. Улуғ аждодларимизнинг муборак номларини ёд этиш, улар ёзиб қолдирган бебаҳо маънавий меросдан баҳраманд бўлиш, қадриятларимизни тиклаш борасида бемисл ишлар қилинди, қилинаяпти. Аммо юз йиллар мобайнида ғорат этилган улкан қасрни қайта тиклаш учун маълум бир муддат, вақт кераклиги ҳам сир эмас.

Биз юқорида оила шаъни хусусида тўхталдик. Бу бежиз эмас, албатта. Агар эътибор қилган бўлсангиз, элнинг назарига тушган баобрў оилаларда вояга етган ёшлар жиноятчилик кўчасидан анча йироқ юришади. Боиси, уларнинг кўнглида оила шаънини сақлаш, уни ерга уриб, ота-онани кўпчилик олдида мулзам қилмаслик масъулияти мужассамдир. Фарзандлари қалбида шу масъулият туйғуларини камол топтира олган ота-она ҳам ўз навбатида бениҳоя ҳурмат ва эҳтиромга лойиқдир. Уларга бир умр таъзим бажо айласак кам.

Энди жиноят кўчасининг «кунда-шундалари» ҳақида фикр юритсак, уларнинг аксарияти халқ ибораси билан айтганда, «суви тинмаган оила» аъзолари эканига гувоҳ бўламиз. Мева дарахтдан кўп олисга тушмайди. Ножўя йўлга кирганларнинг кўпчилиги вақтида ота-она тарбиясига муҳтож бўлган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган йигит ва қизлар эканлиги ачинарли. Чунки бундай кимсалар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Улар бирор бир қалтис ишга қўл ураётганда, эртага ота-онамга нима дейман, ака-укамнинг кўзига қандай қарайман, деган ташвишли ўйдан йироқ бўладилар. Ҳаётга нисбатан бундай масъулиятсиз муносабат одамни ниҳоятда худбин қилиб қўяди ва у охироқибат ҳар қанақа жиноятдан тап тортмайди.

Шу ўринда Бухоро вилояти Ғиждувон тумани судида кўриб чиқилган бир жиноят ишини таҳлил этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

1980 йил Ғиждувон шаҳрида туғилган Шерзоднинг мактабда ўқиб юрган кезлари ҳам бошқалардан ажралиб турадиган бирор бир фазилати йўқ эди. Мактабни тугатиш арафасида синфдошлари танаффусда йиғилишиб, бирови: «Мен ўқитувчи бўламан. Отам шу соҳа эгаси бўлишимни жуда хоҳлайдилар» деса, бошқа бири: «Онам дўхтир бўласан, ҳамманинг дардига даво топишдан улуғроқ бахт йўқ, деяптилар» дерди. Шерзод эса уларнинг бу орзу-ҳавасларини эшитиб, мийиғида кулиб: «Оббо, мирқуруқларей, буларнинг ота-онасини бошқа ташвиши йўқми? Кеча-ю кундуз, болам эртага ким бўларкин дейишдан бўлак. Дунёда яшашдан мақсад қай йўл билан бўлмасин пул топиш ва уни сарфлаш» деб ўйларди. Бир қараганда, бундай ўйлашида у айбдор эмасдек. Ахир, рост-да, уйда бирон марта унинг келгуси тақдири муҳокама қилинганини сира эслолмаса нима қилсин?..

Йиллар оқар сувдек шошқин ўтаверар экан. Мактабни амаллаб тугатиб олган Шерзод якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғуллана бошлади. Қандай мазза. Биров мушугини «пишт» демайди. Ўзига хон, кўланкаси майдон. Кейинги кунларда ўзидан саккиз ёш катта, турмуши бузилган Шаҳноза исмли жувон билан танишиб қолди. Отаси унинг бу аёлга қаттиқ боғланиб қолаётганини айтиб уришганида, Шерзод жаҳл қилиб, биратўла Шаҳнозаникига кўчиб келиб, у билан никоҳсиз яшай бошлади. Иссиққина уй-жой. Нимани хоҳласа, шуни қилади. Фақат...

Ёт иб еганга тоғ ҳам чидамас, дейдилар. Касби-корининг тайини бўлмаган Шерзод пул масаласида анча сиқилиб қолди. «Ҳозирча Шаҳноза ҳеч нарса демаяпти. Лекин эрта-индин бу текинтомоқлик унинг жонига тегиши аниқ. Ўшанда «Кўтар, тақир-туқирингни» деса, Шерзод нима деган одам бўлади. Йўқ, бир иложини қилиб пул топмаса, иш чатоқ!» Шерзоднинг чора излаб кирмаган кўчаси қолмади, ҳисоб. Ниҳоят, бир қарорга келди, шекилли, кўчага қараб отланди.

Бу пайтда ҳеч нарсадан бехабар Гулбаҳор Шамсиддинова катта йўл бўйлаб уйига кетиб борарди. Унинг қулоқларидаги «суварак» шаклида ишланган тилла сирға Шерзоднинг кўзларига оловдай кўриниб, гўё «маниман, сенинг нафс балоингни қондирувчиман» деб чорлаётгандай эди. Бу ҳолни айни муддао деб билган такасалтанг йигит аёлнинг орқасидан мушукдек писиб бориб, унинг қулоқларидан сирғани юлиб олади ва орқасига қарамай қочади. Куппа-кундузи бир муслима аёлни қон қақшатиб, қилмишидан кўнгли хижил бўлмаган талончи жазмани орқали сирғани 12000 сўмга соттиради. Осмондан тушгандай қўлга кирган бу пулларни тез орада кайф-сафо қилиб, охирги мирисигача совуриб юборади.

Биринчи ҳаром луқмани эсон-омон «ҳазм» қилган Шерзод энди жиноий гуруҳ тузишга киришади. Бунинг учун узоққа бориб ўтирмайди. Ўзига ўхшаган бекорчи синфдоши Зойирни учратиб, унинг кўнглига қўл солиб кўради. Кўр кўрни қоронғуда топибди, деганларидек дарров иккала текинтомоқлар гапни бир ерга қўйиб, янги зўравонлик режасини тузадилар.

Эртаси куни Шерзод режа бўйича Шуҳрат деган танишининг олдига бориб, ундан «Восход» маркали мотоциклини бир неча соатга бериб туришини ўтиниб сўрайди. У дейди, бу дейди, хуллас, мотоциклнинг эгасини кўндиради. Сўнг келишилганидек, Зойирни мотоциклга мингаштириб, Ғиждувон тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжа-лиги, «Оқтепа» қишлоғи томон йўл олади. Манзилга етгач, йўл четида туриб «ўлжа» пойлайдилар. Ниҳоят, ёнида ёш боласи ҳамроҳлигида қўлларида тўрхалта тутган бир жувон кўринади. Одам қиёфасини йўқотган талончилар мурғак болани ҳам юз хотир қилмасдан режани амалга оширишда давом этадилар. Яъни Зойир мотоциклни ўт олдириб, шай бўлиб туради, Шерзод эса 20-30 қадамча илгарилаб кетган аёлнинг қулоқларидаги зиракни югуриб бориб, юлиб келади ва бир зумда воқеа жойидан ғойиб бўладилар. Мазкур зирак ҳам худди биринчи галдаги каби Шаҳноза орқали 13000 минг сўмга сотилади ва пуллар турли эҳтиёжларга сарфлаб юборилади.

Ҳаром луқма барибир бир кунмас-бир кун тешиб чиқади. Бу исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Ғиждувонлик иккала талончининг ҳам қисматида шу ёзуғ бор экан. Улар тезда ички ишлар идораси тезкор ходимлари томонидан қўлга олиниб, суд ҳукми билан тегишли жазога тортилдилар.

Мана, бир жиноят ишининг қисқача тафсилоти шундай. Бироқ мушоҳада қилиб кўрсак, бу ишда бор-йўқ айбдор шу иккита йигитми? Бизнингча йўқ! Тергов суриштирувларида ўзини оппоқ қилиб кўрсатган Шаҳнозанинг хатти-ҳаракатларига бир назар ташлайлик. Воқеа аслида у айтганчаликми? «Мен сирғаларни ўғирлик мол эканидан мутлақо бехабар эдим. Йўқса, уларни сотиб беришга сира рози бўлмасдим» дейди у. Аммо унинг ўзи билан бир хонадонда яшаётган, ҳеч қаерда ишламайдиган, бинобарин, ота-онаси билан ҳам алоқаларини узган бир йигитнинг кунора «тилла топиб» келишига шубҳа қилмаслиги ғалати. Қолаверса, тилла сирғаларнинг пуллари «эгаларига» берилмасдан, ўртада еб-ичилган-ку?!. Бу ёғи Шаҳнозанинг виждонига ҳавола.

Муаммонинг илдизи барибир яна оилага бориб тақалаверади. Юқоридаги воқеаларда ҳам ҳеч иккаланмай айтишимиз мумкинки, аввало ота-оналарнинг айби катта. Улар ўз олдиларидаги бурч, шарафли бурчни адо эта олмаганлар. Оила шаъни учун қайғурадиган, ҳалол, ватанпарвар фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш ота ва онанинг энг муқаддас бурчи эмасми?

Бу йил Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Соғлом авлод йили деб эътироф этилди. Бу эътироф, шак-шубҳасиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини беҳад мамнун этди ва қувонтирди. Чунки ўзбек халқи - болажон халқ. Фарзандлар саломатлиги, бахту саодати, ижтимоий-шахсий камолоти барчамизнинг орзу-умидимиздир. Соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилар экан, бу ўз навбатида, жамоатчилик, маҳалла-кўй, энг муҳими, оила бошлиқлари бўлмиш ота ва оналар масъулиятини янада оширади, деб умид қиламиз.

Иззатилло ТОЛИБОВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон тумани суди раиси,
Сирожиддин РАУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Умринг узоқ бўлсин, болам!

Маънавият қирралари

ДАРЁ БЎЛИБСАН, ЭЙ ДИЛ...

Кейинги пайтларда маънавият ҳақида жуда кўп гапирадиган бўлдик. Ҳар томонлама, маънавий баркамол шахсларни тарбиялаш бутун жамиятимизнинг энг устувор вазифаларидан бири деб белгиланди. Хўш, маънавиятнинг ўзи нима аслида? У бизнинг вужудимиз, ҳаётимизда қандай тажаллий топади? Газетамизнинг янги йилги сонлари саҳифаларида ана шу мавзуда мунтазам мақолалар бериб боришни режалаштирдик.

Улуғ бобомиз, ҳужжатул ислом деб ном қозонган Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий ёзади: «Қуръон ва ҳадиснинг қайси жойида «дил» сўзи келса, ҳар доим нарсаларни англаб, моҳиятига ета олувчи инсон маънавияти назарда тутилади. Фақат баъзи ўринлардагина жисмоний аъзо - юрак маъносида келиши мумкин. Бунга сабаб инсоннинг асл моҳияти саналадиган иймон, маънавият билан жисмоний аъзо бўлмиш юрак чамбарчас боғлиқ эканлигидир. Чунки маънавият, гарчи руҳ, нафс, ақл кабиларга ҳам алоқадор ва истеъмолда уларга муштарак бўлса-да, маънавиятнинг мазкур аъзолардаги истеъмоли ўша буюк неъмат - дил воситасида кечади. Яъни инсондаги буюк илоҳий неъмат - маънавиятнинг макон-мамлакати, маскан тутган олами ва ўрнашган тахти ДИЛдир».

Демак, юксак маънавиятга эга бўлиш учун энг аввало дилни - қалбимизни ҳалок этгувчи нарсалардан йироқ бўлишимиз зарур экан. Хўш, ҳалок қилувчи нарсалар нималар? Ғаззолий таъкидлашича, уларнинг энг ашаддийлари - ғазаб, адоват ва ҳасад иллатларидир. Чунончи, аллома «Иҳёу Улум-ид-дин» китобида ёзади: «Билгинки, ҳасад ҳам адоват натижаларидан бўлиб, адоват эса ғазабдан келиб чиқади. Демак, у ғазабдан униб чиққан тиканнинг бир шохи, ғазаб эса унинг асл томири экан. Ўз навбатида ҳасаднинг ҳам саноқсиз ёмон шох-бутоқлари бор». Пайғамбар Алайҳиссалом айтадилар: «Олов ўтинни егани каби ҳасад яхши амалларни ейди».

Ривоят қилинадики, Мусо Алайҳиссалом Аллоҳ таоло ҳузурига бораётган чоғида Арши-аъло соясида бир кишини кўриб, унинг мартабасига ниҳоятда ҳаваси келди ва ўз-ўзига: «Шубҳасиз, бу улуғ зот Тангри таолонинг севган, ардоқли бандасидир», деди. Кейин Аллоҳдан у кишининг исмини билдиришни сўраган эди, Парвардигор унинг саволига жавоб қилмай, бундай деди: «Балки сенга унинг амалларидан учтасини айтаман. У Аллоҳ ўз фазли карами билан бандаларига берган неъматларга ҳасад қилмас эди, оқпадар эмасди, чақимчилик қилмаган эди».

Бу борада Бакр ибн Абдуллоҳ айтган ушбу ривоятни келтириш ўринли деб ўйлаймиз.

Подшолардан бирининг олдига келиб юрадиган бир киши бор эди. Одатда у ҳар гал подшоҳнинг рўпарасида туриб, шундай дерди:

- Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилгувчига эса ёмонлик қилма, чунки қилган ёмонлиги ўзига қайтгувчидир.

Бу кишининг подшоҳ ҳузуридаги обрў-эътиборига бир кимсанинг ҳасади келиб, подшоҳ олдида унга туҳмат ёғдирди:

- Рўбарўйингизда туриб, ҳар хил гапларни гапирувчи ўша одам Сизни оғзи бадбўй, деб юрибди.

Подшоҳ сўради:

- Сўзларинг ростлигини қандай билишим мумкин?

У айтди:

- Сиз уни ёнингизга чақирасиз. У Сизга яқин келгач, қочиб қўли билан бурнини тўсиб олади.

Подшоҳ унга:

- Кетавер, мен ўйлаб кўраман, - деди.

У кимса подшоҳ олдидан чиқибоқ, ҳалиги кишини ўз уйига меҳмонга чақириб, саримсоқ солинган таомлар билан сийлади. Меҳмондорчиликдан сўнг у подшоҳ ҳузурига борди ва одатдагидек унинг рўпарасида туриб:

- Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилганга ёмонлик қилма, зеро, қилган ёмонлиги ўзига қайтгувсидир! - деди. Шунда подшоҳ:

- Ёнимга яқинроқ кел! - деди.

У подшоҳ ёнига борди ва саримсоқ ҳидидан подшоҳ озорланмасин деб оғзини қўли билан тўсди. Подшоҳ ичида: «Фалончининг гапи рост экан-да», деди. Лекин ҳеч нарса сезмагандай қўлига қалам олиб, унга бир хат ёзиб, амалдорларидан бирига олиб боришни тайинлади. Бу шоҳнинг шундай одати бор эди: бировни ҳадя ёки мукофотга лойиқ кўрса, унга бу ҳақда ўз қўли билан хат ёзиб берарди. Аммо бу галги хатнинг мазмуни бошқача эди: «Хатимни олиб борган кимсани сўйиб, терисини шил ва ичига сомон тиқиб, менинг олдимга жўнат!» У киши чиқаётиб ҳалиги туҳматчига дуч келди. Унинг кўзи хатга тушиб:

- Бу қандай хат? - деб сўради.

- Билмадим, подшоҳ бирор мукофотга ёзиб бердилар, шекилли - деди у.

- Шуни менга ҳадя қилгин, - деб ялинди туҳматчи.

Яқиндагина уникида меҳмон бўлганини ўйлаб, ичида: «Йўқ десам, уят бўлар» деди-да, хатни ҳадя қилиб юборди. Ҳасадгўй туҳматчи хатни олибоқ амалдорнинг ҳузурига чопди. Хатни очиб ўқиган амалдор:

- Бунда ёзилишича, мен сени сўйиб, терингни шилишим керак экан, - деди. Туҳматчи жонҳолатда:

- Худо ҳаққи, бу хат меники эмасди, ишонмасанг текшириб кўр, - деб ялина бошлади. Амалдор эса:

- Подшоҳнинг хати текширилмайди, - деб уни сўйиб, терисини шилди, ичига сомон тиқиб, подшоҳ саройига жўнатди...

Ниятимиз шуки, Янги йилда Аллоҳ барчамизни ғазаб, адоват, ҳасад балоларидан ўз паноҳида асрасин. Диллаларимизни яхшилик, иймон нури билан тўлдирсин...

А.ХЎЖАМОВ тайёрлади

С НОВЫМ ГОДОМ! 2000 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН! HAPPY NEW YEAR!

БОЖХОНАМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Навоий вилоят божхона бошқармаси жамоаси Янги йилни меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишди. Бу қўлга киритган ютуқларда ҳар бир навоийлик божхоначининг ҳиссаси катта бўлди. Улар муваффақиятлардан мағрурланиб кетмасдан, белни маҳкам боғлаб яна ишга киришиб кетишди. Уларга қарашли ҳудуд беҳад чексиз-чегарасиздир. Постлар марказдан 250-300 км.лар олисда жойлашган. Шунга қарамасдан, ўз вазифаларини аъло даражада ўтаб келишмоқда.

- Божхоначиларимиз ўз ишлари билан кифояланиб қолмасдан чегарачиликни ҳам маълум маънода бажариб келишмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Навоий вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Баҳодир ака Давлатов, - ҳар бир божхоначи учун баҳоли қудрат жойларда ишлаш учун, дам олиш учун шароит яратиб берганмиз. Божхоначиларимиз шунга яраша меҳнат қилишдан асло чарчашмаяпди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Суратда: (ўнгдан учинчи) вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Баҳодир Давлатов бир гуруҳ божхона ходимлари билан мулоқотда.

Муалиф олган сурат

Прокурор назорати

АЁЛ-ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

аммо айрим раҳбарлар буни унутиб қўйишмоқда

Ҳаётимизнинг мақсадмазмуни аёл номи билан маъно кашф этади. Шунинг учун ҳам аёл зотини улуғлаш ўзбек халқи орасида муқаддас анъанага айланиб қолган. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ва темурзодалар шунинг учун ҳам аёл зотига доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатганлар. Самарқанд шаҳридаги Бибихоним ва Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тожмаҳал каби бетимсол тарихий обидаларда ҳам ана шу ҳурмат-эҳтиром мужассамлашганини кўрамиз.

Ана шу анъаналарга чинакам ўзбекона садоқат кўрсатаётган йўлбошчимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўтган 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилган эди. Бутун йил давомида аёлларни улуғлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан кенг миқёсдаги тадбирлар комплекси амалга оширилди.

Андижон вилоят прокуратураси ходимлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг тутган ўрнини кучайтириш, ҳуқуқий, иҳтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини такомиллаштириш юзасидан 1999 йилга белгиланган тадбирларнинг Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан кенг миқёсдаги назорат ишларини амалга оширдилар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси жойларда қандай бажарилаётгани текширилганда, бу соҳада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Баъзи бир туғруқхона ва болалар шифохоналарида зарур дори-дармонлар, тиббий анжомлар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар етишмаслиги, экстрагенитал касалликларни даволаш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлиб қолди.

Булоқбоши туман соғлиқни сақлаш бўлимида ўтказилган текширишда 19 мингга яқин туғиш ёшидаги аёлларнинг кўпчилиги экстрагентал касалликлар билан оғригани маълум бўлди. Уларнинг 13 минг 596 нафари даволаниб, соғломлаштирилган. Лекин қолган 4 мингга яқин беморни ўз вақтида даволаш чора-тадбирлари кўрилмаган. Кулла, Сарвонтепа қишлоқ тиббий пунктларининг шифокорлари И.Пардабоев, С.Умаровлар ўзлари ишлаётган участкалардаги 670 нафар бемор аёлни даволаш ишларини етарли даражада ташкил этмаганлар.

Туманда туғруқхоналарни юмшоқ жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминлаш талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ўтган йили режалаштирилганидан 440 минг 291 сўмлик кам юмшоқ жиҳозлар олинган. Болалар шифохоналари учун эса ажратилганидан 862 минг 796 сўмлик жиҳоз олинмаган, 1 миллион 114 минг сўмлик дори-дармон эса олинмай қолиб кетган. Бу эса шифохоналарда дори-дармон танқислигига олиб келган.

Тиббиёт ходимлари ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида ногиронлик гуруҳига ўтказишга тавсия қилинган 23 нафар бола соппа-соғ бўлиб чиқди. Текшириш якуни бўйича туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи номига қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилган эди. Ана шу тақдимномалар бўйича Ш.Пардаев, С.Умаров, З.Қосимова, О.Маткаримов, Т.Қўзиев каби шифокорлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Аёлларга иш жойларида яхши шароит яратиш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, меҳнат қонунларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишларини таъминлаш ҳам ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. Аммо Қорасув шаҳар марказий шифохонаси раҳбарлари буни унутиб қўйган кўринади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 232-моддаси талаблари бузилиб, ўтган йили 12 ёшгача бўлган болали, 2 ва ундан ортиқ болалари бор аёлларга қўшимча меҳнат таътили берилмаган. Масалан, Ш.Эргашевага йиллик меҳнат таътили 4 иш кунига кам берилган.

Текширишларда шунингдек, айрим шаҳар ва туманларда 1999 йилда аёлларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишдаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, иҳтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган баъзи тадбирларнинг тўла бажарилмай қолгани аниқланди.

Давлат дастури асосида Асака шаҳар ҳокимлиги аёллар учун 1000 та иш ўрни ташкил этиши, ҳокимлик томонидан ижарага бериладиган биноларнинг камида 30 фоизини тадбиркор аёлларга ажратиши, тадбиркор аёллар иш фаолиятининг биринчи йилида уларга 50 фоизли имтиёзли тўлов лицензияларини бериши лозим эди. Бу дастурларнинг 9 та банди туман иқтисодиёт ва статистика бўлими томонидан бажарилмасдан келинган. Шаҳар ҳудудида ўтган йили 36 нафар аёллар ўзларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятларини яхши бошлаган эди. Уларга ҳеч қандай имтиёз берилмаган.

Шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича мутахассислар гуруҳи томонидан дастурнинг хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, кам қонли аёлларга мурувват ёрдами кўрсатишни ташкил этиш каби бандлари ҳам бажарилмаган.

Текшириш якунига кўра йўл қўйилган қонунчилик бузилишлари учун ҳокимликнинг бош мутахассиси И.Султонов ҳамда бўлим бошлиғи В.Охуновлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Насллар бешиги бўлган Аёл муқаддасдир. Уни ардоқлаш, унинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш шароитларини яхшилаш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. Мамлакатимиз қонунлари шуни талаб этади.

Насрулло ЖЎРАЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг катта прокурори, 1-даражали юрист

Иқтисодиёт чорраҳаларида

"ДУНЁ"НИНГ ИШЛАРИ

Ҳар дақиқасини мамнуният билан эслаб юрса арзийдиган муносиб туҳфалар ҳадя этган эски йил қўл силкиб қолган дақиқаларда босиб ўтган йилимиз армуғонлари ҳақида алоҳида фахр туйғуси ила сўзламоқ одат тусига кирган. Қашқадарё вилояти аҳолисини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлайдиган «ДУНЁ»-М очиқ ҳиссадорлик жамияти корхонаси Қарши шаҳридаги бақувват корхоналардан бири. 500 дан зиёд акциядорлар меҳнат қиладиган бу корхона тегирмонларида йилига 80 минг тонна донни қайта ишлаш режалаштирилган. Йил охиридаги натижаларга кўра бу корхона вилоят аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда 87 минг 770 т. донни қайта ишлаб, бу соҳадаги режани 109% га уддалади. Жамият раиси Суюн Жумановнинг ахборотига кўра корхона вилоятнинг чорвадор хўжаликларига ва аҳолига сотиш учун жами 47 минг 920 тонна озуқабоп омухта ем чиқариб, бу соҳадаги режани ҳам 100,4% га бажаришга муваффақ бўлган. Шунингдек, макарон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича режадаги 145 тонна ўрнига 154 тонна сифатли ва харидоргир макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Маълумки, корхона икки йилдан бери шифобахш буғдой ўзаги-зародиш ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Йил давомида аҳолининг талаб-эҳтиёжлари асосида 8 тоннага яқин буғдой ўзаги тайёрланиб, савдо нуқталарига чиқарилди. Ўтган йилнинг бошида Италиянинг «Текнагри Прожект» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбеклизинг компанияси ёрдамида уч томонлама шартнома тузилиб, макарон ва иссиқ нон линияси келтирилиб, ишга туширилган эди. Бу линия айни кунда тўла қувват билан ишлаб, ҳар куни бир тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқармоқда ва деярли ҳар ойда 1 млн. сўм фойда билан ишламоқда. Жамиятга қарашли юқори қувват билан ишлайдиган тегирмонлар асосан Швецариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида Россия ва Украинада тайёрланган тегирмонлар бўлиб, улар ҳар томонлама сифатли ун ва омухта ем ишлаб чиқармоқда.

Корхона ёрдамчи хўжалигида 700 дан зиёд қўй боқилмоқда. Бу эса жамият аъзоларини арзон гўшт билан таъминлашда қўл келаётир. Корхонага қарашли профилакторий, спорт майдонлари корхона ишчилари саломатлигини тиклашга хизмат қилмоқда. Корхона оталиғидаги болалар боғчасида кичкинтойлар учун барча шароитлар муҳайё. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қонун ва қарорлар жамият аъзоларининг диққат марказида. Жамият аъзолари бу йил бир жон, бир тан бўлиб ишлаб, корхонага чт эл инвестициясини жадаллик билан олиб кириб, печенье ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Назорат ойнасида

ЎЗБОШИМЧАЛИК

қонун унга йўл қўймади

Ургут туман прокуратураси тумандаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни ижросини умумий назорат тартибида текширганда ерларни айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қонунсиз эгаллаб олиш ҳолатлари мавжудлигига дуч келди.

- Хўжаликнинг 30-бригадасида яшовчи йигирма етти нафар фуқаро томонидан жамоа хўжалигига тегишли тўрт гектар эллик тўққиз сотих экин майдони қонунсиз эгаллаб келинган, - дейди туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Шавкат Савурбоев. - 1996-1998 йиллар давомида жамоа хўжалигига ерларнинг қонунсиз эгалланишидан 1 миллион 511 минг 181 сўм миқдорида зарар етказилган.

Бригада бошлиғи Эгамберди Сатторов вазифасига совуққонлик билан қараган. Рўй бераётган ўзбошимчаликлар ҳақида юқори ташкилотларга бирор марта мурожаат қилмаган. Оқибатда Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси» 40-моддаси 1- ва 8-бандларида кўрсатилган талаблар бузилиб, хўжаликка моддий зарар етказилган. Э.Сатторовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Бригадада яшовчи фуқаро Облаберди Хидиров 11 сотих суғориладиган майдондан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келиб, 36 минг 333 сўм, Абдураҳмон Ғаффоров 38 сотих ердан 125 минг 514 сўм, Душан Ҳақбердиев 39 сотихдан 128 минг 817 сўм, Ўктам Суюнов 42 сотих ердан 142 минг 692 сўм, Маматқул Тўхлиев 48 сотих ердан 158 минг 544 сўм хўжаликка зарар етказган. Бундай қонунбузар, ердан истаганча ўз хоҳишим билан фойдаланаман, деган бошқа кимсаларнинг ҳам пуч ниятларини қонун рад этди.

Яқинда туман суди элни тўйдирадиган, кийинтирадиган ерга ўзбошимча муносабатда бўлган шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларини кўриб чиқди. Айбдорлардан хўжаликка етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилди. Бригада бошлиғи Э.Сатторовнинг бепарволик, совуққонлиги қимматга тушди. Унга бир ярим йил ахлоқ тузатиш иши берилиб, ойлик маошининг 25 фоизини давлат фойдасига ундириш жазоси қўлланилди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

КАДРЛАР-ҲАР БИР ИШГА ҚОДИРЛАР

Азимбой НАЗАРОВ Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳрида туғилган, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислик институти қошидаги лицейни 1992 йилда олтин медал билан тугатиб, мазкур институт гидромелиорация факультетига ўқишга кирган.

1997 йил августида институтни имтиёзли диплом билан тугатди ва «Умид» жамғармаси тест синовидан энг юқори балл олиб, Президент грантига лойиқ топилди. Американинг Техас штатидаги нуфузли Коллежстейшен Университетида қишлоқ хўжалиги муҳандислиги факультетининг «Экология ва сув ресурсларини бошқариш» ихтисоси бўйича магистратурага ўқишга юборилди. Магистратурадаги тадқиқоти мавзуси «Ирригация масалаларини ҳал этишнинг географик-ахборот тизимини яратиш» (компьютер дискда) бўлди. Асосий мақсад, бу мавзуни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиб, уни ватанимизда амалий ишда қўллаш эди.

Азимбой Назаров яқинда таътилга чиқиб, ватанига келди ва ирригация институтида сиёсатшунослик фанидан тахсил берган, фалсафа фанлар номзоди, сиёсатшунослик доценти Рауф Ғаффоров билан суҳбатлашди. Бу жараённинг «тасодифий» гувоҳи бўлган мухбиримиз суҳбатни қоғозга тушириб-ди:

- Азимжон, ушбу касбни танлашингиз, муҳандис-ирригаторлик ва тадқиқодингиз мавзуси, барчаси ёшлар учун қизиқ. Талаба бўлиш умиди ва айниқса, хорижда ўқишни ният қилиб юрган тенгдошларингизга ибратли йўриқ бўлиши мумкин.

- Гапни узоқдан бошлашга тўғри келади, устоз! Авваламбор, бу касбга қизиқишимга отам сабабчи. У киши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислиги институтини битириб, Сурхондарё вилояти сув хўжалиги корхоналарида оддий қурувчи-мастер ламвозимидан вилоят сув хўжалиги раҳбаригача йўлни босиб ўтганлар. Мени 5-6 синф ўқувчисилигимдаёқ Аму-Занг насос станциясининг қурилишларига ўзлари билан олиб борардилар. Амударёдан насос орқали сўриб олинаётган оби ҳаёт улкан қувурдан (ҳозир шаҳар транспортида хизмат кўрсатаётган Отойўл автобуси бемалол сиғади) отилиб чиқишини кўриб, ақлим шошиб қоларди. Бу менга мўъжизадек туюларди. Ана шу болалик «сир-синоати» мени бу даргоҳга, касбга етаклаган, чамаси.

- Биламан Азимжон, ўша пайтларда иқтисод касбига ўқиш нуфузли ҳисобланарди. Сизда эса хоҳлаган факультетга кириб ўқиш имконияти бор эди. Аммо сиз барчани таажжублантириб инженер-ирригаторлик мутахассислигини танладингиз.

- Асл мақсадим, Рауф ака, сув хўжалиги бўйича мутахассис бўлиш эди. Тўғри, иқтисод факультетида ўқисанг бўларди, деб маслаҳат берганлар кўп бўлди. Фақат отам «Нима касбни танлашни ўзинг ҳал қил» дедилар. Энди билсам, у ёққа, бу ёққа оғишмай, тўғри иш қилган эканман.

- Демак, касб борасида Азимжон, олдингизга болаликдан қўйган мақсадга эришибсиз-да?

- Одамзод табиати жуда қизиқ бўлар экан, аввал олдингизга қўйган мақсадни тўлақонли амалга ошишига шубҳаланасиз. Сўнг эса довондан ошилгач, оддий юмушдай бўлиб қолар экан. Навбатдаги мақсадим, Худо хоҳласа, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорлари, муқобил тадбирлар акс этган ҳукумат ҳужжатлари ижросига ҳисса қўшиш. Мен республикамизда суғориладиган ерлар тупроқ харитасини тузиш, тупроқ бонитетини (тупроқ сифатини балл бўйича баҳолаш) аниқлаш борасидаги давлат ер кадастрини амалга ошириш каби ишларни, Президентимиз томонидан қўйилган улуғвор масъулиятли вазифа деб биламан. Бу муқаддас вазифанинг ижросида фаол иштирок этиш учун назарий билим олиш, уни имтиҳон-синовдан ўтказиш, асосий вазифамиз, мақсадимиз, деб биламан.

- Азимжон, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Таълим дастури» Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва ниҳоят, 1999 йил 24 июндаги «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қароридаги болалар боғчасидаги тарбиядан то хорижий мамлакатларга бориб ўқиш-ўрганишгача бўлган ишлар қамровли бошлаб юборилди. Олий мактаб Фанлари Халқаро академияси Президенти В.Шукшиннинг тан беришича, булар барчаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ноу Хау»сидир. Ҳозир социализмдан кейинги мамлакатларда биздагидек таълимга бюджетдан катта миқдорда пул ажратилмаган. Хўш, Америкада ўқиш, ўқитиш, умуман, ўқув дастурлари биздагидан жуда катта фарқ қиладими?

- Биласизми Рауф ака, мен ўқиётган университетда 44 минг талаба таҳсил олади, шулардан 4 мингги хорижликлар бўлиб, Жанубий Америка, Хитой, Араб мамлакатлари, Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва социализмдан кейинги мустақил давлатлар, жумладан, ўзбекистонлик талабалар ўқийди. Ўқув дастурига биноан икки ярим йил мобайнида «25-дарс» олиш керак. Ҳар бир дарс 3 соатдан иборат. Буни мен икки йилда олишга эришдим. Ўқув семестри ўзимизникига ўхшаган 4-6 ойга чўзилади. Энг юқори балл А-4 (бизнинг 5 баҳомиз), Б-3, С-2, Д-1 ва Ғейл (инглизча) йиғдим. Ўртача баллим 3,6 бўлди. «Ирригация ва дренаж», «Ирригация статистикаси», «Тупроқ физикаси» асосий дарс бўлиб, бундан ташқари «Сув сифати менежменти», «Тупроққа қўмиладиган чиқиндилар менежменти», «Математик инженерия», «Илмий иш назарияси» каби фанларни чуқур ўргандим. Магистратура ҳимояси номини, тезис ёзиш (бизда диплом иши ёки диссертация) дейилади. Ҳажми катта-кичиклигига эътибор берилмайди. Тезисни бор-йўғи 3 киши - 2 та университет профессори ва 1 та четдан (фермер ёки компаниялардан ихтисос бўйича жалб қилинган эксперт) таклиф қилинган мутахассислар қабул қилади. Бошқа ҳеч ким иштирок этмайди. Табриклаш, эшитиб ўтириш каби ҳолатлар одат тусига кирмаган. Тезиснинг қизиқ жойи шундаки, уни кимга бағишлаганингизни албатта дастлабки саҳифаларда ёзилиши керак. Ота-онангизга ёки устозингизга, сиз севган сиёсатчи, давлат арбобига ва ҳоказоларга бағишлаш мумкин.

- Азимжон, тарихий тажрибадан биламизки, ҳақиқий юртбоши турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни ўрганишга қаратилган муассасалардан, жамоат уюшмаларидан, айрим шахслардан кўра халқининг турмушини, истиқболини олдинроқ англайдиган, биладиган, шунга конституциявий йўл билан ёндашадиган даҳодир. Ривоятларга кўра улар юз йилда битта туғилар экан. Худди шундай Президентга эгамиз. Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолиги остида тарихан ниҳоятда қисқа даврда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳада катта ютуқларни қўлга киритдик. Феврал воқеаларини эшитгансиз, аммо бу пайтда сиз Америкада эдингиз...

- Ҳа, устоз, воқеани маҳаллий вақт билан соат эрталаб 9 ларда, (Тошкент вақти билан 16 лар чамаси) эшитиб қолдик. Биз ўзбекистонликлар бу мудҳиш хабарни интернет хабари орқали билдик. Президентимизнинг соғ-саломат қолганини эшитиб, кўнглимиз бироз таскин топгандай бўлди. Афсуски, қурбонлар борлигидан қайғурдик. Ўша кунларда Президентимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки Америкадай мамлакатда ҳам катта обрў-эътиборга эга эканликларининг гувоҳи бўлдик. Социализмдан кейинги мустақил бўлган мамлакатлардан келган талабалар ҳам бизнинг қайфиятимизни кўтаришга ҳаракат қилишди. «Слава богу, Ваш замечательний Президент жив и здоров», деган сўзларни кўп такрорлашди. Американинг талабалар эса воқеа содир бўлган Мустақиллик майдонига Президентимизнинг ярим соат ўтар-ўтмас келганини ва ўша куннинг ўзидаёқ мўлжалланган ҳукумат мажлисини ўтказганларини, бегуноҳ қурбон бўлганлар ҳақида қайғуриб гапирганларини қойил қолиб гапириб юришди.

- Азимжон, ахир, ўша машъум кундаги фожиани юртбошимиздек юракдан ҳис қилиш, вазиятга жасорат билан ёндашиш ва баҳо бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да!

- Тўғри, устоз. Америкада ҳам Президентимиз тўғрисида «Экселент» - буюк, «Фейлмольд» - машҳур, «Сторнг» - даҳо каби сифатларни оммавий ахборот воситаларидан кўриб, эшитиб, мағрурланиб юрдик. Юртбошимиз шахсига боғлиқ маълумотларни кутубхонадан, интернет сайти (манзил)дан (Ташкент Сити оф Узбекистан сайт) Президент Каримов ҳақидаги очеркни ўқиб, бизлардан сўраб-суриштирдилар. Ўшанда биздаги безовталик қаторида Президентимиздан фахрланганимизни бир кўрсангиз эди.

- Америкада машҳур шахслар, сиёсий арбоблар билан учрашувлар бўлиб турадими?

- Америка президентлари ўз лавозимидан кетгач, албатта, маълум бир университетда, маълум бир вақтдан сўнг ўз номларидаги кутубхоналар очадилар. Шундай кутубхоналардан бирини Колледжстейшен Университетида Американинг 41-президенти Жорж Буш очди. Бунда унинг биографияси, сиёсат чўққисига чиқиш йўли президентлик давридаги мамлакат ички ва ташқи сиёсатида қилган ишлари, шунингдек, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган расмий учрашувлар, музокаралар, қабул қилинган қарорлар, буйруқлар, битимлар, турли доираларда сўзлаган маърузалари Америка халқига қарата қилинган мурожаатлари иқтисодиётнинг ривожига қўшган ҳиссаси юзага келган халқаро тангликларнинг ечими борасидаги ҳужжат нусхалари, кинохроникалар, телевидео тасвирлар, чоп этилган дипломатик ва давлат расмий ҳужжатлари тўпламлари, эсдаликлари қўйилади. Кутубхонанинг очилиш маросимида расмий таклиф этилганлар орасида биз - ўзбекистонлик талабалар ҳам бор эдик. Президент Буш, рафиқаси Барбара хоним, ўғли Нил биз билан суҳбатлашди. Биргаликда суратга тушдик. Биз маросимда Президент Бушга дўппи ва Сурхондарёда тикилган беқасам тўн кийгиздик. Ўзбекистон ҳақидаги китобларни совға қилдик.

1999 йил март ойида АҚШ ирригация ва дренажлар қўмитаси томонидан ўтказилган йиллик конференцияда иштирок этдим. Аризона штатидаги Колорадо дарёсидан шу штатнинг чегарасигача борадиган катта канал лойиҳасини қуриш ва эксплуатацияси бўйича менежери Сит Уольсиннинг маърузасини тингладик. Сўнг... у билан тушлик қилдик, қизғин суҳбат қурдик. Чунки бу штатнинг табиий иқлим шароитлари Ўзбекистонникига ўхшаш экан. Жаноб Сит Уольсин Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация ишларидан яхши хабардор экан.

Биласизми, устоз, бундай конференцияларда соҳа янгиликлари, ихтиролар, таклифлар, муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида маърузалар ўқилади, лаборатория шароитида бажариш усуллари ўргатилади. Техникалар тақдимоти, макетлар, экспонатлар, суғориш техник асбоб-ускуналари намойиш этилади. Шу жойнинг ўзида кимга нима керак бўлса, шартнома тузилади. Кераклиси сотилади, сотиб олинади.

1999 йил апрелида Хьюстонда ўтган Ўрта Осиё минтақасидаги мустақил давлатларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида ахборот-таништириш конференциясида иштирок этдим. Ўзбекистон ичихонасининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бирга эди. Бу учрашувда Американинг нуфузли сиёсатчилари, жумладан, Ўрта Осиё бўйича мутахассис Жеки Стар, йирик иқтисодчилар, нефт магнатлари ва бошқалар иштирок этди. Президентимиз И.Каримовнинг давлатимизда шўролар тузумидан қолган иқтисодиётни босқичма-босқич жаҳон тажрибасида синалган бозор иқтисодиётига ўтказиш сиёсатига Америка иқтисодчилари аллақачон ижобий баҳо беришган. Айниқса, қисқа даврда нефт (90 йилгача 2 млн. пахта толаси эвазига Россиядан «қора олтин» ва бошқа нефт маҳсулотлари олардик) ва ғалла мустақиллигига эришганлигимизни ҳайрат билан тан олишади. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳал қилувчи омили - сув ва нефт ресурслари эканлигини, бу ишлар муваффақиятли ҳал этилаётганидан хабардорлар. Американликлар Ўзбекистоннинг ўз пахтаси, рангли металлари, нефт ва гази, пилласи каби кўплаб стратегик ашёлари билан нуфузли ўринда туришини роса билишади-да.

> ***«Муболағасиз айтиш мумкин, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

- Азимжон ука, сувчи ирригаторсизу, аммо бошқа мавзуларга ҳам ўтсак. Ўзбекистонда солиқ тизимини шакллантириш, солиқ тўғрисида қабул қилинган қатор қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида ва солиқ тизимининг сўнгги йилларда орттирган тажрибаларидан келиб чиқиб, амалга оширилмоқда. Бу ишда ижобийлик ҳам, нуқсонлар ҳам бор. Чунки ишни янгидан бошладикда... Хўш, бу борада Америка солиқ тизими ҳақида нима дея оласиз?

- Нима ҳам дердим, солиқ Америкада турмуш тарзининг бир қисми, кишиларнинг ҳаётий заруратига айланган деса бўлади. Мен Президент гранти - стипендиямдан солиқ тўламайман. Сабаби, Америка қонунчилиги бўйича ҳорижий талабалар ўз давлати гранти ҳисобидан стипендия оладиган бўлса, солиқ ушланмайди. Америка гранти бўйича стипендия бериладиган бўлса, ундан солиқ олинади. Мабодо, мен бирон нарса харид қиладиган бўлсам, мисол учун чойнак, баҳоси 1 доллар деб ёзиб қўйилган бўлса-да, кассада 1 доллар 8 центга чек уриб беради. Шу йўл билан қўшимча қиймат солиғи ундирилади. Мен шу ва бошқа харид чекларини йилнинг апрелигача, яъни йиллик даромадим ҳақида декларация тўлғазадиган қунга қадар сақлаб боришим керак. Мабодо, мен ўқишдан бўш вақтларимда ишламоқчи бўлсам, даромадимдан амалдаги тартибда солиқ тўлашим керак, бўлмаса суднинг қарори билан жарима ва қамоқ жазосига жалб қилинишим мумкин.

- Азимжон, Америка кўчаларида патентсиз писта, живачка каби, ҳатто кам миқдорда мева-сабзавотлар сотиш ёинки «мардикор бозори» деган жойлар учрайдими?

- Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Буни ҳеч ким тасаввур ҳам қилолмайди.

- Азимжон, мана яна Америкага жўнаяпсиз. Бизда эса сайловлар. Эртага юртбошимизни сайлаймиз...

- Англадим. Биз ўзбекистонлик талабаларнинг ҳам сайловда ўз овозимиз бўлади. Элчихонамизга бориб, йўлбошчимизга - И.Каримовга овоз бериш ниятидамиз. Бу албатта, байрамдек ўтади. 120 кишига етадиган 15 кило гуручга масаллиқ ҳозирлаб, ош дамлаймиз. Юлдуз Усмонованинг «Ўзингдан кўймасин, халқим» қўшиғини биргаликда куйлашнинг машқини олияпмиз. Ўзбекча ўйинга тушамиз.

- Америкада ҳам ош биздагидек чиқадими?

- Албатта. Бироқ Американинг гуручи сувни кўпроқ кўтаради. Сабаби - америкалик фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш технологиясини яхши ўзлаштирганлигида. Улар шолини тез экиб, тез етиштириш ва сувдан тежамли фойдаланишнинг ҳадисини олганлар. Суғориш жараёнида шоли пайкалларидаги сувнинг сатҳини 5 сантиметрдан оширмайди. Афсуски, бизда... сув исрофгарчилиги анча юқори.

- Азимжон, «университет талабалари президенти» деган гапни эшитдик...

- Ҳа, Америка университетларининг ўз президентлари сайланади. Улар билан бир пайтда талабалар президенти ҳам сайланади. Талабалар орасида у ёки бу номзодни қўллаб-қувватловчи, ташвиқот олиб борувчи командаси бўлади. Ҳар бир номзоднинг (баъзан ўнлаб номзодлар кўрсатилиши мумкин) дастурида талабанинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш, яшаш шароити ва бошқа муаммоларини ҳал этиш ечими баён қилинади. Талабалар мамлакатдаги катта сайловларда қонун ва демократик тамойиллар асосида қандай кураш олиб бориш услубига «Талабалар Президенти»ни сайлаш жараёнида ўрганадилар.

Америкада сайловчилар билан муносабатга киришиш - «электорат» ичига кириб бориш иши асосан демократик ва республикачилар партиясида яхши йўлга қўйилган. 1999 йили 19 декабрдаги ўзбекона сайловларни интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб, шу нарсага ишончим комил бўлдики, халқимизнинг сиёсий онги, савияси қисқа давр мобайнида беқиёс ўзгарибди. Буни америкаликлар ҳам тан олишаяпти. Бир ўринга... 6-7 тагача номзод... жаҳоннинг турли ташкилотларидан келган кузатувчиларнинг эътирофидан ҳам барча бохабар. 9 январни кўтаринки руҳ билан кутмоқдамиз. Шак-шубҳасиз, Америкада таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, тажриба ўрганаётган мутахассислар, такрорлайман, Ватанимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишда сарбон бўлган, истиқболда бундан ҳам буюк ишларни кўзлаётган шахс номзодига овоз бермоқчимиз, тез кунларда ўқишларни муваффақиятли тугатиб қайтгач, юртбошимиз ёнларида камарбаста бўламиз... Умид ва ниятимиз шу.

- Раҳмат, Азимжон ука!

Суҳбатни Қ.ФАЙЗУЛЛАЕВ ёзиб олди.

С НОВЫМ ГОДОМ! 2000 ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН! HAPPY NEW YEAR!

Шов-шув

ЭНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАР КИМНИКИ?

Новосибирск шаҳри яқинидан эрамиздан олдинги 8 асрларда ер остида қолиб кетган улкан шаҳар топилган. Олмония ва Россия археологлари ўрганаётган бу инсоният тараққиётининг энг қадимий объекти жаҳон тарихини ўзгартириб юбориш даражасидаги топилма деб баҳоланаётган экан.

Унда бутун бошли кўчалар, савдо расталари, ҳашаматли бинолар, карвонсаройлар, ҳунармандлик устахоналари, мўъжаз темир буюмлар, беқиёс маданият излари бус-бутунлигича сақланиб қолган.

Ўтказилган тадқиқотлар бу ерда юксак маданият, тенглик, адолат ва чексиз яратувчилик қудрати мавжуд бўлганлигидан далолат бериб, ўша пайтларда Европа ва бошқа минтақаларда ҳам инсон ҳаёти изига тушмаган даврга тўғри келишидан гувоҳлик бермоқда экан. Олимлар шаҳарни шартли равишда «Чичи» деб аташибди.

Қизиғи шундаки, шаҳар ва унинг ҳаёти бус-бутунлигича сақланиб қолган ҳолда ҳанузгача «одам қолдиғи»га дуч келишмаган. Гўё нимадир бўлгану одамлар тўсатдан шаҳарни ташлаб чиқиб кетишгандек...

Хўш, бундай ўта тарихий, илғор маданиятли шаҳарни қурганлар, яшаганлар кимлар? Қайси халқнинг аждодлари бўлган улар? Буни албатта, тадқиқотлар кўрсатади.

Ҳар ҳолда тарихан Сибир ерларида туркий халқлар аждодлари яшаганлиги эътироф этилганлиги назарда тутилса, топилган «тарихий мерос» бизга, ўтмиш аждодларимиз, бобокалонларимизга тегишли эмасмикан, деган фикр ҳам туғилиши табиий.

Шерзод ҚИЛИЧЕВ
ОАВ хабарларидан тайёрлади

Турфа олам

ҚОБОНЛАР БИЛАН ЖАНГ

Болгариянинг тоғли ўрмонларга яқин жойлашган қишлоғи - Штефан Водэга каллаи саҳарлаб «босқинчи»лар ҳужум қилган. Юзлаб қўзи қонга тўлган қобон ёввойи чўчқалар кўзга кўринганни қувлаб, барча четан деворлар, бошқа дуч келган ва кучи етган «тўсиқ»ларни бир пасда вайронага айлантирган. Улар қишлоқ айланиб, «террор»ни давом эттиравергач, бу ерга қуролланган полиция отрядлари чақирилган. Калашников автоматлари тутган миршаблар билан қобонлар ўртасида аёвсиз жанг бўлган. Бир нечта ёввойи чўчқа отиб ўлдирилган. Қолганлари полициянинг сиқуви ва ўқ ёмғири остида ўрмонга чекинишга мажбур бўлган.

Ўлдирилган қобонлар «экспертиза»дан ўтказилганда, уларнинг қутурганлиги маълум бўлган. Ҳозир қишлоқ атрофи тўсилиб, карантин эълон қилишибди.

Мулла САЙИЛГОҲИЙ
ОАВ хабарларидан тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жамоаси мустақил Ўзбекистон халқини кириб келган янги 2000 йил билан самимий муборакбод этади.

Марказ истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган Сиз азизларни барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлайди.
Мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, муассаса ва ташкилотларга ҳуқуқий хизмат кўрсатади.
Келинг, мурожаат қилинг.
Марказ жамоаси ҳамиша хизматингизда.

Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси-18, 1104-хона.
Тел: 144-36-57, 14-36-60, 41-46-53.
Ички тел: 3-15.
(Мўлжал - «Панорама» кинотеатрининг тўғрисида, Шаҳарсозлик ЛИТИ биносининг 1-қаватида)

Ҳикоя

ТАМҒА

Каттабек Нарвоний деган димоғи баланд бир ёзувчинамо танишим бор. Уни ҳамма ўлганининг кунидан «Катта шоир» деб юради. Ижоди билан кўзга унча ташланмаган бўлсада, гап-сўзлари анча катта. Юриш-туриши ҳам шунга монанд. Анча-мунча ном чиқарган олиму ёзувчилар ҳақида сўз очсангиз, дарров уларни ўзидан орқароққа суриб қўяди: «Ким бўлиб кетипти, тўрттагина мақоласи билан танилиб қоптими?», «Ҳой, сиз ўткир шоирни мунча мақтайсиз, қайси шеъри ёқди сизга? Бизга ўхшаб қойиллатиб ёзса экан!», деб ўшшайиб қарайди. Қачон қараманг, халқи тан олган таниқли, чинормонанд улуғ шоиру ёзувчилар шаънига тош отгани-отган... Уялмайнетмай: «Мени ижодимдан гапиринг! Ундоқ ёзганман, бундоқ ёзяпман» деб мақтангани мақтанган. Унинг учраганга «тош отиб» юришидан норози бўлиб: «Озгина камтар бўлинг» десам, «Мунча кериласиз!» дейди чақчайиб. «Ҳой, керилаётган ким? Сизми ё мен?» десам жаҳли чиқади. «Уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани...»деган нақл худди шу нусха-танишим учун айтилгандай.

Қаерга қочиб қутулишни билмай қоламан. Ҳа кетишга қўяди, на ўтиришга. Турган жойида ким-нималар деб валдираб, кимнидир камситди, ерга қорди... Ўзини осмону фалакка обчиқиб кетди. Қани энди, бекорчи қулоқ бўлса! Хуллас, гап дегани қоп-қоп... Унинг эзмалиги ёшлигимдаги бир воқеани эсимга солди...

Урушдан энди чиққан йиллар. Ёш йигитча эдим. Колхоз идорасининг ёнгинасида темирчи устахонаси бор эди. Унда Ашур тақа деган юзидан қон томиб тургандай доимо қип-қизил, паҳлавонсурат киши ишларди. Унинг отларга тақа уришини кўриб, ҳавасим келарди. Ишлашини томоша қилиш учун кўпинча дарсдан сўнг унинг олдида қолиб, унга ёрдам берардим. У менинг босқонни босиб, ёрдамлашганимдан хурсанд бўларди. Баъзан ийиб кетиб, қанд-қурс берарди. У даврлар йўқчилик пайти эмасми, бу ширинликларни кўриб, бошим осмонга етарди...

Шанба куни эди. Дарсдан қайтишда кирсам, ўзи ёлғиз йўғон темирни оловдан олиб, катта ва оғир сандон билан пачақлаяпти. Баҳорнинг ўрталари бўлгани учун ҳаво исиб қолганди. Бунинг устига устахона ўчоғида гуриллаб ёниб турган кўмир тафтидан Ашур тақа терлаб-пишиб кетган. Юзлари янаям қип-қизил.

- Бир оз дам олсангизчи! - дедим елкамдаги китоб тўла сумкамни қўлга олиб.

- Иш кўп, болам. Кўряпсанми, ҳу... анави икки аравани ўқи синиб кетипти. Нарида турган тракторга плуг ясаш керак. Ҳозир далада иш қайнаган пайт. Ерларни ҳайдаш, уруғ сепиш, ўғит чиқариш... Хуллас, иш кўп. Ҳаммаси зарур, - деди. Сўнг менга қайрилиб қараб:

- Қани, болам, қараб турмай сумкангни бир чеккага қўйгин-да, оловнинг дамини бос! Кўмир яшнаб турсин. Темир яхши қизариб пишмаса, сандон пачақлолмайди, - деди.

Сумкани қўйиб, ишга тушиб кетдим. Мен дамни босардим, Ашур ота эса бир қўлида қисқич, иккинчи қўлида катта болға сира тинмасди.

Бир дамда мен ҳам тергa ботдим. Куйиб-пишиб ишлаётганимизда устахонага хўжаликка янги котиб бўлиб келган Собир новча деган йигит кириб келди. Нимагадир уни жиним суймасди. У келиши билан ўзидан бир неча ёш катта, ишнинг кўзини биладиган Ашур отага ақл ўргатишга ҳаракат қиларди. Уста бўлса, оғир-босиқ одам эди. Нима деса, «хўб» дерди-ю ўз билганидан қолмасди. Аммо-лекин бугун у ўтказиб юборди. Нима дейди денг? Терлаб-пишиб, базўр нафас олаётган устага: «Уста, болғани у томонга уринг, қаттиқроқ уринг, мунча бўшашмасангиз, кучдан борми ўзи?..»

Унинг гапига кўпда эътибор бермайдиган Ашур тақанинг бу дафъа жаҳли чиқиб, ранги ўчди. Яна ўзини босиб, қўлидаги болғани бир дам ерга қўйди-да, этаги билан юз терларини артиб, Собир новчага мағрур қаради:

- Бир ривоятни эшитганмисан, котиб! - деди бирдан уни сенсираб.

- Қанақа ривоят?

Ашур тақа гапни чўзиб ўтирмади.

- Менга ўхшаган бир тақачи бўлган экан. Бир чопқир от унинг олдига келиб, оёғига тақа қоқиб қўйишни сўрабди. Шу пайт отнинг чопқирлигига ҳасад қилиб юрадиган бир эшак ҳам югуриб келиб, отнинг ёнига туриб олипти. «Ҳа, нима гап, сен нега келдинг?» дебди тақачи. Эшак бўлса безрайиб: «Менинг оёғимга ҳам тақа уриб қўйинг!» дебди. Эшакни отга ҳасад қилиб юришидан тақачининг хабари бор экан. Шунинг учун унинг гапидан шавқланиб кулибди-да: «Оёғингга олтин тақа уриб қўйсам ҳам, асло от бўлолмайсан. Оёғингга тақа эмас, пешонангга эшаклигингни билдириб турувчи тамға босиш керак!» дебди. Эшак тақачининг гапини эшитиб яна ҳам хиралик қилиб турaверибди. Тақачининг жаҳли чиқиб: «От-от, эшак барибир эшаклигича қолар экан да!.. Бор, яхшиси ўз йўлингдан қолма!» деб уни қувиб солган экан...

Тақачидан бу гапни кутмаган Собир новча турган жойида бир замбар лой бўлиб ҳайкалдай қотиб қолувди ўшанда.

Шу воқеани эсладиму кўлимни ҳамон қўйиб юбормай, оқилу донолик даъво қилаётган Каттабек Нармонийнинг пешонасига яхшилаб разм солдим. Не ажабки, унинг ҳам манглайида ҳеч қанақа тамға кўринмасди...

Зайниддин ДЎСТМАТОВ

1999 йилнинг 31 декабри. Шаҳарнинг энг кўзга кўринган миллионерларидан бири, ўзимизда қўша-қўша фирмалари, дўконлари ва чет элларда катта-катта қўшма корхоналари ишлаб турган Бой ота театр артистлари учун қурдирган кошонасида бухгалтери билан гаплашиб ўтирибди.

- Кел болам, хўш, қандай шамол учирди?

- Бой ота, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, кичкина хушхабар билан ҳузурингизга келувдим. Анув театримизда ишлайдиган Абдураим Абдуваҳобов бору - Шум бола, ўша сиз билан бир оғиз маслаҳатлашдими, йўқми, билмадим, телевидениеда битта «точка» очибди. Номиям ғалати - «Лаззат»ми-ей, «Даҳшат»ми-ей!

- Хўш, иннайкейин-чи?

- Иннайкейин, ҳар ҳафта ўша «Лаззат»ига артистларни чақирволиб...

- Меҳмон қилдирвотганмишми?

- Йўқ, овқат пиширишга мажбур қилвотганмиш!

- Иннайкейин-чи?

- Кейинми, кейин овқати тузукроқ чиқса, эсдаликка суратга олиб, иннайкейин, ўзини меҳмон қилаётганмиш.

- Хўш, иннайкейин-чи?

- Кейин-чи, Бой ота, ўзига ёққанларига падарка берармиш.

ёки "Лаззат" ошхонаси повурларининг Янги йил саргузаштлари

- Падарлаънат, падаркамас, совға дегин, совға! Сенларга неча маротаба қайтараман: вопше ўрисчани аралаштирмай гапирларинг деб.

- Бир қошиқ қонимдан...

- Ҳе, қонинг қурсин, охирги группа! Шум боладан гапир, кейин нима бўлди?

- Иннайкейин, Бой ота, хўп десангиз, «Лаззат»да бериладиган совғаларнинг пулини «перечислат» қилиб берамизмикан, девдим-да. Ҳарқалай жўжабирдай жон, неча йилдан бери томорқангизда, йўғ-ей, театримизда ишлайди.

- Ҳм-м, иннайкейин-чи?

- Ҳа-я, кейин кеча анави хонага кириб, «Инсон ва қонун»нинг мухбирлари билан ҳам бир нималарни гаплашди. Сотти холамга эшикка қулоқ тутинг, десам эшитолмади. Манимча, ҳеч кимга сездирмай, газетга обуна бўлаяпти-ёв!

- Оббо шум-ей! 30 йил аввал мени алдаб, бир инфарк қилувди, яна «подполний» иш қилаяпти, шекилли! Кел, Рўзани кунида Шумгина болагаям бир яхшилик қилайлик. Газетага ўзимиз ҳисобимиздан обуна қилдириб, совғаларига пул ўтказиб берайлик. Ҳамма ҳужжатлари тўлиқмикин, ишқилиб. Трудовой билан биографияларини кўрайлик-чи:

Биографиядан кўчирма:

Абдураим АБДУВАҲОБОВ — 1963 йилнинг 8 Март куни (омадни қаранг!) Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент Давлат Театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Ҳамза номли театрда ишлаган. (Адашмасам, ҳозир ҳам кундузи шу ерда, оқшом «Лаззат» ошхонасида бош повур).

***

-Абдураим, Сизни "Сайилгоҳ"га таклиф қилганимиз бежизга эмас. Биласиз, 2000 йил - Балиқ йили. Адашмасам Сиз - Балиқсиз...

- Йўғ-ей, одамман.

- Мучалингиз-чи?

- Мучалим эмас, Балиқ бўржида туғилганман.

- Унда бугунги суҳбатимиз...

- ... балиқ шўрва ҳақида.

Абдураим шундай деб кулдида, давом этди:

- Биласизми, Мунажжимлар фикрича, Балиқ (Шарқда Аждарҳо) йили омад, тинчлик-хотиржамлик, саховат ва тараққиёт йили ҳисобланади.

Балиқ йилида туғилганлар жуда ҳам сиҳат-саломатликка эга, серғайрат ва беғубор бўлишар экан. Бу сифатларнинг 2000 йил мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлигига мос тушиши бизни жуда ҳам қувонтиради.

Бу мучалда таваллуд топганлар истеъдодли, ўқимишли ва иродаси мустаҳкам инсонлар бўлишар экан. Бутун умр ҳеч нарсадан зориқмайдилар. Бу башорат «сувдек сероб бўлинг» деган тилакка, ҳар қанақанги ишда ҳам муваффақият қозонишлари мумкинлигига, ўзларини ҳар қандай касбда ҳам сувда сузган балиқдек ҳис этиш ҳолатига жуда ҳам мос тушиши жуда ҳам ажойибдир.

Улар кўпинча ҳамма учун севимлидирлар, бироқ ўзлари бошқаларни доим ҳам ёқтиравермайдилар. Муҳаббат бобида ҳеч қачон умидсизликка тушмайдилар. Аммо ўзлари муҳаббат можароларига сабабчи бўлишлари, яъни кўпчиликка ёқишлари мумкин.

Бир мисол. Бир куни балиқчи йигит кўл бўйида ўтирса, бола кўтарган сув париси соҳилга хомуш чиқиб келибди ва балиқчидан сўрабди:

- Кечирасиз, мабодо Жўравой деган ғоввос йигитни кўрмадингизми?

* * *

- Бизга маълумки, «Лаззат» ошхонаси узоқ йиллик «ёғлиққина» фаолияти давомида «Анкл-бенз» хаб АШХОНАСИни ҳам ортда қолдирди. Янги йилда ҳам ҳамиша ёғингиз доғли бўлишини истаб қоламиз

-Биз ҳам Янги йилда барча хўрандаларимизга ёқимли иштаҳа, тиллари ҳам, пишираётган таомлари ҳам ширин, ҳаётлари ЛАЗЗАТли бўлишини тилаймиз.

Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
гурунглашди

Абдураим «Сайилгоҳ»га қуруқ келмаган экан. У байрам кунлари дастурхонларга кўрк бўладиган қуйидаги маслаҳатларини бизга тақдим этди:

Бу салат учун сузма ёки творогни туз қўшиб, яхшилаб аралаштирасиз. Сўнгра узунчоқ шаклдаги тақсимчаларга икки, уч қошиқдан солиб текислайсиз. Турпни сомонча шаклда тўғраб, аралашма устига чиройли қилиб санчиб чиқасиз. Бу салатни тайёрлашда сузма, творог, турп, анор, сабзи, булғор қалампиридан фойдаланиш мумкин.

***

Арчилмаган картошка, лавлаги ва сабзини яхшилаб ювиб, алоҳида идишларда қайнатасиз. Пишгач, совитиб, тозалайсиз ва кубик шаклида майда қилиб тўғрайсиз. Тайёрлаган масаллиғингизни каттароқ тоғорачага солиб, унга тузланган бодринг, майда тўғралган кўк пиёз, туз ва зираворлар қўшасиз. Сўнгра майонез ёки қаймоқ қўшиб аралаштирасиз. Тайёр винегретни ликопчаларга солиб, кўкатлар ёки кўк нўхат билан безашингиз мумкин.

***

Дейлик, уйингизга тўсатдан меҳмон келди ёки байрамга бирор бир шарбатли ичимлик олишни ё унутдингиз ё ҳамён кичиклик қилди. Марҳамат, унда хонаки шарбат тайёрлаш усули айнан сиз учун.

Битта лимон ёки анорни пиёла тўлгунча шарбатини сиқиб олинг-да, битта минерал сувга бир қошиқ шакар аралаштириб, бемалол дастурхонга қўйишингиз мумкин. Ҳеч қандай шарбат сувидан қолишмайдиган хушбўй ичимлик тайёр бўлади-қўяди.

2000 йил - Балиқ йили

БЕҒАМ БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Балиқчилар одатда ҳар хил бўлишади. Бировлар қармоққа балиқ илинишига умид қилиб, соатлаб кутишлари мумкин. Яна бир тоифадагилар эса балиқ овини эрмак билишиб, тинчлик оғушида мудраб олишларига имкон бор. Аммо улар ҳам балиқ тутишга ишқибоз. Худди шундай балиқчилар учун Японияниинг «Юни Тонг» фирмаси электрон индикатор яратди. Унча катта бўлмаган асбоб қармоққа ўрнатилади. Агарда у қўйилган жойидан 1,3 сантиметр силжиса ёки 20 грамм куч билан тортилса, лампочка ёниб, овоз чиқарган ҳолда сигнал беради.

Янги йилингиз билан, Азиз дўстлар!

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-047. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А. ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 41. Тел,факс: (371) 133-14-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0041- сон билан рўйхатдан ўтган.